

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВА ДУРДОНА АБДУЛЛОЕВНА

**САНОАТ ОҚАВА СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ МЕТАЛЛАРНИ
ТОЗАЛАШ УЧУН ДЕФЕКАТ, БЕНТОНИТ АСОСИДА
АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Азимова Дурдона Абдуллоевна

Саноат оқава сувлари таркибидаги металлрни тозалаш учун дефекат, бентонит асосида адсорбентлар олиш ва қўллаш..... 3

Азимова Дурдона Абдуллоевна

Получение и применение адсорбента на основе дефекта, бентонита для очистки металлов, содержащихся в промышленных сточных водах 21

Azimova Durдона Abdulloeyevna

Production and application of adsorbent based on defect and bentonite for purification of metals contained in industrial wastewater 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АЗИМОВА ДУРДОНА АБДУЛЛОЕВНА

**САНОАТ ОҚАВА СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ МЕТАЛЛАРНИ
ТОЗАЛАШ УЧУН ДЕФЕКАТ, БЕНТОНИТ АСОСИДА
АДСОРБЕНТЛАР ОЛИШ ВА ҚЎЛЛАШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Г4578. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салиханова Дилноза Саидақбаровна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Якубов Йўлдош Юсунбаевич
кимё фанлари доктори, профессор

Эшметов Расул Жумязович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «27» август 2024 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати «12» август куни тарқатилди.
(2024 йил «12» августдаги № 19-рақамли реестр баённомаси)



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.Ж. Жумиева
В.в.б. Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

И.Д. Эшметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ишлаб чиқариш корхоналари сони ўсиб бориши билан бирга экологик муаммолар сони ҳам кенгайиб бормоқда. Буларга асосан қаттиқ (ишлатилган адсорбентлар, катализаторлар ва ҳ.з.) ва суюқ чиқиндилар (оқава сувлар, турли эритмалар ва ҳ.з.) ҳисобланади. Қаттиқ чиқиндилар бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари атроф-муҳитини экологик тизимини бузилишига, ён-атрофдаги аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек суюқ чиқиндилар ҳам сув ресурсларини ифлослантириб, эко тизимни бузилишига олиб келади. Уларни тозалаш учун четдан келтирилган адсорбентлардан фойдаланиш мумкин, аммо ушбу усулдан фойдаланиш янги иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, бу чиқиндиларни утилизация, регенерация қилиш учун адсорбент, реагентлар ишлаб чиқариш орқали экологик ва иқтисодий муаммони ечиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда саноат чиқинди сувларини тозалаш, уларни ишлаб чиқариш циклига қайтариш бўйича илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қатор илмий ечимларни асослаш, жумладан: саноат оқава сувлари таркибини ўрганиш; шакар саноати чиқиндиси - дефекатни таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш; дефекатни модификациялаб сорбцион материал олиш мақбул шароитларини аниқлаш; дефекат ёрдамида олинган реагент-сорбцион материалнинг турли адсорбатларда сорбцион хоссаларини аниқлаш; дефекат ва бентонит композициялари ёрдамида олинган сорбцион материалнинг адсорбцион хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада янги материаллар, шу жумладан маҳаллий хомашёлар асосида адсорбентлар олиш ва саноат оқава сувларини улар ёрдамида тозалаш бўйича бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш»¹ йўналиши бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу жиҳатдан маҳаллий хомашё ва чиқиндилар асосида самарали сорбент-реагентлар ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021- йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

«Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат оқава сувларини тозалаш бўйича бугунги кунда чет эл олимлари В.С.Петров, Ю.В.Поконова, Н.Ф.Федоров, Н.И.Богданович, Ю.Я.Филоненко, В.И.Павленко, Ж.А.Свергузова, Н.С.Лупандина, Х.Марш, Х.А.Зхонгхуа, К.О.Моханти, К.Окада ва бошқалар тоза хомашё ва чиқиндилар асосида реагент ва адсорбентлар олиш ва қўллаш бўйича изланишлар олиб боришган

Ўзбекистонда .С.Ахмедов, Э.А.Арипов, Ф.Л.Глекел, С.С.Хамраев, С.Н.Аминов, А.А.Агзамхўжаев, У.А.Ахмедов, Г.У.Рахматқариев, С.З.Муминов, Б.Н. Ҳамидов, В.П.Гуро, Г.Р.Нарметова, С.А.Абдурахимов, И.К.Сатаев, О.К.Бисенбаев, И.Д.Эшметов, Д.С.Салиханова, О.К.Эргашев, Д.Ж. Жумаева ва бошқа олимлар тамонидан саноат чиқиндилари уларни регенерация ва утилизация муаммолари кўриб чиқилиб, уларни тозалаш учун маҳаллий хомашёлар асосида адсорбентлар олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Бугунги кунда шакар саноати чиқиндиси бўлган дефекатни утилизация қилиш орқали янги реагент сорбент олиш ва нордон саноат оқава сувларини тозалаш бўйича бир қанча ишлар бошланган, лекин металл ионлари бўлган саноат оқава сувларни тозалаш, жараён механизмларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг *IL-402104235* «Глицерин ва соя мойларини адсорбцион тозалаш учун маҳаллий кўмирлар асосида углеродли адсорбентлар олиш» (2021-2023 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дефекат, бентонит асосида сорбент-реагент олиш ва металлургия саноат оқава сувлари таркибидан металл ионларини тозалашда қўллашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

шакар саноати чиқиндиси - дефекатни таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш;

дефекатни термик модификациялаб сорбцион материал олиш мақбул шароитларини аниқлаш;

дефекат ёрдамида олинган сорбцион материалнинг турли адсорбатларда сорбцион хоссаларини аниқлаш;

термик модификацияланган дефекат ва бентонит композициялари ёрдамида олинган сорбцион материалнинг адсорбцион хоссаларини ўрганиш; металлургия саноати оқава сувлари таркибини ўрганиш;

термик модификацияланган дефекат олиш, улар асосида бентонит композицияларини олиш ва саноат оқава сувларини тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шакар саноати чиқиндиси -дефекат (Д), термик модификацияланган дефекат (ТМД), бентонит ва уларнинг композицияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети дефекат ва бентонит асосидаги композициялар олиш усуллари, олинган реагент-сорбент ёрдамида саноат оқава сувларини тозалаш механизми, металларни сорбция қилиш қонуниятини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида аналитик ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари, сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ) ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

дифференциал термик таҳлил натижаларига кўра, углероднинг интенсив ёниши 615°C ҳароратда бошланиши ва 700°C ҳароратда тугаши, дефекатни (Д) куйдириш пайтида ҳосил бўлган углерод тузилиши жиҳатидан коксга яқинлигини, унинг ёниб кетишини олдини олиш учун термик пиролизни $580\text{...}600^{\circ}\text{C}$ ҳароратда куйдириш зарурлиги исботланган;

ТМД да метил кўкининг паст концентрацияли эритмаларда ютилиш даражаси 1-5 мг/л концентрацияларда 80-90% ни, 10-20 мг/л концентрацияли эритмаларда эса 70-75 % эканлигини аниқланган;

термик модификацияланган дефекат (ТМД) ва бентонитнинг 80:20 оғирлик нисбатидаги композицияларида 0,01 м/л концентрациядаги эритмадан Cu^{2+} ионларини 96,86 %, 60:40 нисбатидаги композиция -94,82 % ни, 40:60 нисбатидаги композиция эса 92,32 % ютилиши аниқланган;

ТМД ёрдамида металлургия саноати оқава сувлари 2-5% кўшиб тозаланганда, оқава сув таркибидаги Mn -99,9%; As -99,1%; Mo-98%; U-100%; Be, Al-97,2% гача ионларидан тозалаши аниқланган;

термик модификацияланган дефекат (ТМД) ва бентонит асосида сорбент-реагент олиш технологияси ишлаб чиқилган;

термик модификацияланган дефекат (ТМД) ва бентонит композициялари ёрдамида саноат оқава сувлари таркибидан металл ионларини тозалаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

шакар саноати чиқиндиси - дефекат асосида углеродли сорбент-реагент олиш имконияти яратилган.

дефекат ва бентонит асосида композициялар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижалар замонавий тадқиқот усулларини қўллаш (рентгенофазовий, электрон-

микроскопик, спектрофотометрик, калориметрик, кондуктометрик) билан асосланган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шакар саноати чиқиндиси - дефекатни термик куйдириш натижасида кўмирлаштириш орқали сорбцион хоссаларини яхшилаш, уларни бентонит ёрдамида композицияларини олиш орқали сидементацион кўрсаткичларини яхшилаши, ҳамда олинган композициянинг модел ва чин эритмаларда металл сорбциясини ўрганиш орқали сорбент-реагент олишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндисини утилизация қилиш орқали янги сорбент-реагент олиш технологиясини ишлаб чиқиш, ҳамда реагент сорбент ёрдамида металлургия саноати оқава сувларини таркибидан қимматбаҳо металлларни сорбция қилиш имкониятлари яратилиб шунингдек, кимё ва кимёвий технология соҳасидаги таълим муассасаларида магистр ва бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёнларига қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат оқава сувлари таркибидаги металлларни тозалаш учун дефекат, бентонит асосида адсорбентлар олиш ва қўллаш бўйича олинган натижалар асосида:

шакар саноати чиқиндиси -дефекатни модификациялаб сорбент-реагент олиш усули «Navoiy kon-metallurgiya kombinati» AJ да амалиётга жорий этилган («Navoiy kon-metallurgiya kombinati» AJ нинг 2024 йил 15 июлдаги 23/01-01-07/371-сон маълумотномаси) Натижада саноат чиқиндисини утилизация қилиб, кимёвий сорбент-реагент олиш имкониятини беради.

саноат оқава сувлари таркибидан металл ионларини сорбция қилиш учун кўмирлаштирилган дефекат ва бентонит асосида олинган композицияларини қўллаш технологияси “Elektrokimyozavod” QK AJ нинг «2025-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхатига» киритилган («Elektrokimyozavod» QK AJ нинг 2023 йил 15 декабрдаги 436/1-сон маълумотномаси) Натижада саноат оқава сувларини техник сув сифатида тизимга қайтариш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Металлургия саноат оқава сувларининг атроф муҳитга таъсири, уларни тозалаш усуллари ва ривожланиш тенденцияси**» деб номланган **биринчи бобида** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда металлургия саноати оқава сувларининг таркиби, кимёвий ва физикавий хоссалари шунингдек уларнинг атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш ҳақида маълумотлар келтирилган. Оқава сувларни тозалашнинг замонавий усуллари, услублари ва амалий аҳамияти шунингдек, адсорбентларнинг турлари уларнинг хусусиятлари ҳамда қўлланилиш технологияси ҳақида маълумотлар берилган. Оқава сувларни тозалаш усуллари афзалликлари ва камчиликлари ҳақида маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Оқава сувларни тозалаш учун сорбцион материаллар олиш учун хомашё таснифи ва олиш усуллари**» деб номланган **иккинчи бобида** тадқиқот объектларини тавсифлари, тажриба ва синовларда қўлланилган таҳлил усуллари келтирилган бўлиб, шакар ишлаб чиқариш саноати чиқиндиси бўлган дефекат ва Навбахор бентонитининг тузилиши, таркиби ва физик-кимёвий хоссалари ҳақида маълумотлар баён этилган. Дефекат ва бентонит асосида реагент-сорбентлар (РС) олиш жараёнларини физик-кимёвий асослаш ҳамда олинган намуналар билан саноат оқава сувларини тозалаш учун самарали фойдаланиш усуллари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Шакар ишлаб чиқариш жараёнида хомашё сифатида қанд лавлагидан фойдаланилади. Бу жараёнда лавлагини майда бўлақларга бўлиб, таркибидан ажралиб чиқадиган диффузия шарбатини йиғиб олинади. Дефекатнинг шаклланиши олинган диффузия шарбатини тозалаш жараёнида содир бўлади. Дефекатнинг асосий компоненти CaCO_3 бўлиб, у қуйидаги реакция натижасида ҳосил бўлади.



Кимёвий, термик, сканерловчи электрон микроскопда ва рентгенографик усуллар билан дефекат ва бентонитнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш натижалари саноат оқава сувлари таркибидаги металлларни зарарсизлантирувчи реагент-сорбент олиш имконини берувчи компонентларнинг деярли барча спектрлари мавжудлигини кўрсатди.

Дефекат ва бентонитлар тавсифларига кўра сорбентларга қайта ишлашга тўла мос келиши аниқланди.

1-Жадвал

Дефекатнинг таркиби

Таркибий қисми	%
Кальций карбонат	74,24
Пектин моддалари	1,72
Азотсиз органик моддалар	9,11
Азотли органик моддалар	6,14
Шакар	2,15
Органик кислоталарнинг калций тузлари	2,64
Фосфор	0,64
Магний	0,42
Калий	0,34
Бошқа минераллар	2,60

2-Жадвал

Навбахор бентонитининг кимёвий таркиби, %

SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	TiO ₂	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	Бошқа лар
57,86	13,79	5,49	1,25	0,32	1,48	1,51	1,74	0,43	0,75	15,38

Диссертациянинг «Дефекат ва бентонит асосида реагент-сорбент олиш жараёнлари тадқиқи» деб номланган учинчи бобида ТМД ва бентонит асосида олинган сорбцион материалларнинг Cu²⁺ ва Fe²⁺ эритмалари ва саноат оқава сувларини тозалаш тадқиқотлари, шунингдек моноаммоний фосфат эритмасининг оқава сувларга таъсири ўрганилди.

3-жадвал

Дефекатни турли ҳароратда куйдириш натижасида физик ва кимёвий хоссаларини ўзгариши


Куйдириш ҳарорати, °С	ранги	зичлик, кг/м ³
500	жигарранг	2680
550	тўқ кулранг	2700
600	қора	2720
650	тўқ кулранг	2790
700	оч кулранг	2860
750	оқ кулранг	2890
800	оқ кулранг	2910
850	сарғишроқ оқ ранг	2930
900	оқ	2950

ТМД ни олиш жараёни куйдириш печида амалга оширилади. Чиқинди дефекат кулрангдан қора рангга ўзгариши органик моддаларнинг карбонланиш жараёнини кўрсатади ва қора рангининг интенсивлигини

пасайтиришнинг кейинги жараёни углероднинг CO_2 га оксидланиш жараёнини англатади. Куйдириш ҳароратининг 600°C да қора ранг энг кучли ҳисобланади. Шундай қилиб, дефекатнинг иссиқлик билан ишлов берилиши натижасида майда дисперс кукун олиниб, унинг юзасида органик моддаларнинг турли даражадаги карбонизацияси маҳсулотлари ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда ТМДнинг турли ҳароратларда намуналарнинг ҳажми ва зичлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Олинган натижалардан шундай хулосага келиндикки, чиқинди дефекатни куйдириш вақтида дефекатнинг ҳажми ва зичлиги бироз ошади, буни чиқинди дефекат зарраларининг майдалашиши билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра дефекат заррачаларининг асосий қисми 10-30 микрон, ТМД зарралари эса иссиқлик билан ишлов бериш жараёнида вақтида буғ ва газ ҳосил бўлишида юзага келадиган механик кучланишлар сабабли, дастлабки агрегатларнинг йўқ қилиниши туфайли 5-15 микронга айланади. Шундан маълум бўладики ҳарорат ошиши билан майда заррачаларнинг масса улуши ортади. Бу органик кислоталарнинг кальцийли тузларининг парчаланиши билан боғлиқ. Шунинг учун куйдириш ҳароратининг қийматга таъсирини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Дефекат зарраларининг ўзига хос юзасини яъни S ни аниқлаш учун бир қатор параллел тажрибалар ўтказилди, жумлада метилен кўки ёрдамида амалга оширилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, чиқинди дефекатни куйдириш вақтида дефекатнинг ҳажми ва зичлиги бироз ошади, буни чиқинди дефекат зарраларининг майдалаши билан изоҳлаш мумкин.



Match! Copyright © 2003-2024 CRYSTAL IMPACT, Bonn, Germany

1-Расм. ТМДнинг рентгенограммаси




2-расм. ТМДнинг электрон-микроскопик тасвири

600⁰С ва ундан юқори иссиқлик ҳароратида органик қисмнинг ёниши содир бўлади, бунда углероднинг ҳосил булиши ва кальций карбонатга тегишли бўлган чўққиларнинг мавжудлигини шунингдек, дастлабки дефекат таркибида мавжуд бўлган бирикмаларга хос бўлган чўққиларни йўқлигидан далолат беради.

Олинган СЭМ натижаларига кўра (EVOMA 10 маркали сканерлаш электрон микроскопи) ТМД таркибида дастлабки дефекат таркибига мавжуд бўлган органик таркибга кирадиган элементларнинг йўқлигини кўриш мумкин.

ТМД сувли эритмага қўшилса, СаО нинг эриши туфайли муҳит ишқорий бўлади:




Металлардан оқава сувларни тозалаш жараёнларида рН муҳитнинг ва уларнинг эрувчанлик даражаси жуда муҳим рол ўйнайди, чунки кўплаб металл ионлари нейтрал ва ишқорий муҳитда гидроксидларни ҳосил қилади.

4-жадвал

Металларни сорбциясида рН таъсири

Реакция тенгламалари	Чўкманинг эрувчанлиги	рН нинг ўзгариши
$\text{Cu}^{2+} + 2\text{OH}^- \rightarrow \text{Cu}(\text{OH})_2 \downarrow$	ПР = $1,2 \cdot 10^{-12}$	8-10
$\text{Fe}^{2+} + 2\text{OH}^- \rightarrow \text{Fe}(\text{OH})_2 \downarrow$	ПР = $8,7 \cdot 10^{-19}$	9,5

Чўкманинг шаклланиш эҳтимоли ҳисоблаб чиқилганда бу эритмада мис (II) катионларининг гидроксидлари ҳосил бўлишини кўрсатди.



Ўзаро таъсир қилиш шартлари:

$$[\text{Cu}^{2+}] = 10 \text{ мг/л} \quad \text{рН} = 10$$

Тадқиқот объекти сифатида Навой кон–металлургия комбинатининг БИОКС ГМЗ-3 цехининг оқава сувлари ва шакар ишлаб чиқариш саноати чиқиндиси – дефекатнинг физик кимёвий таркиби ва хоссалари ўрганилди. Олинган маълумотлар қуйидаги жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

Металлургия саноати оқава сувининг элемент таҳлили (мг/л)

Элементлар	Чиқинди сувлари	Қайта ишланган БИОКС ГМЗ-3 суви	РЭМ
Be	0,00036	0,0003	0,0002
Al	0,07	0,14	0,5
Mn	1,3	41	0,1
Ni	66,00	8,2	0,1
Cu	21,00	0,43	1,0
Zn	0,076	0,27	1,0
As	0,88	1,1	0,05
Se	1,0	0,41	0,01
Sr	4,8	3,0	7,0
Mo	2,8	0,4	0,25
Cd	0,00085	0,00098	0,001
Hg	0,000072	0,00008	0,0005
Pb	0,00013	0,0062	0,03
Th	0,00015	0,00046	-
U	2,4	0,64	0,7
Cr	0,023	0,026	0,5
Co	21,0	3,7	0,1

6-жадвал

ТМД ва бентонит композициялари ёрдамида тозалангандан кейинги элемент таҳлили (мг/л)

Элементлар	Заводнинг умумий чиқинди суви 100:2	Заводнинг умумий чиқинди суви 100:5	БИОКС суви 100:2	БИОКС суви 100:5
Be	0,00002	0,00001	0,00004	0,00003
Al	0,00340	0,00225	0,00654	0,00485
Mn	0,00185	0,00135	0,02785	0,01544
Ni	14,45000	8,875	0,12546	0,06785
Cu	16,35000	10,542	0,02845	0,02114
Zn	0,00489	0,00387	0,00845	0,00387
As	0,01245	0,00856	0,09887	0,07522
Se	0,27125	0,2845	0,09956	0,08875
Sr	0,9856	0,8689	0,87556	0,69850
Mo	0,06875	0,05865	0,00758	0,00421
Cd	0,00018	0,00018	0,00019	0,00019
Hg	0,00008	0,00005	0,00004	0,00003
Pb	0,00004	0,00002	0,00012	0,00009
Th	0,00003	0,00001	0,00028	0,00015
U	0,00062	0,00010	0,00785	0,00112
Cr	0,01425	0,00900	0,028754	0,02101
Co	8,25000	6,30000	0,01755	0,01321

ТМД нинг Mn, Ni, Cu, Zn, As, Se, Sr, Mo, Cd, Hg, Pb, Th, U, Cr, Co ионларига таъсири оқава сувларни тозалаш даражасига ўрганилди. 500 мл оқава сув намуналари ҳар хил дозаларда (умумий массанинг 2-5%) ТМД билан ишлов берилди.


Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики дефекат миқдори 2 дан 5% гача ошириш билан саноат оқава сувларини РЭМ стандартларига тозалаш мумкин. Элементларни тозалашга алоҳида эътибор берилганда Mn -99,9%; As-99,1%; Mo-98%; U-100%; Be, Al-97,2% кўрсаткичга қадар тозаланганлигини кўриш мумкин. Аниқланишича, 600⁰ С да олинган ТМД саноат оқава сувларини рухсат этилган меъёргача тозалайди ва бу сувдан заводнинг техник эҳтиёжлари учун фойдаланиш имкониятини беради.

Навоий кон-металлургия комбинатининг чиқинди сувларини тозалаш бўйича ўтказилган тажрибалар термик модификацияланган дефекат ва МАФ эритмасидан фойдаланиш истикболини кўрсатди. Айниқса, самарали пасайиш Mn, Ni, Cr, Mo, U ва Co каби оғир металлларнинг ионлари билан қайд этилди, бу ерда тозалаш даражаси чиқинди сувида 70% дан 90% гача, истемол эса 10 г/л дефекат ва 15 мл/ л МАФ ни ташкил этди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳосил бўлган чўкмалар қимматбаҳо металлларни олиш учун ишлатилиши мумкин.

6-жадвал

ТМД ва МАФ эритмаси (мг/л) ёрдамида тозалашдан сўнг оқава сувларини масса спектрометриқ таҳлили натижалари

Элемент	ТМД ва 10% моноаммоний фосфат (МАФ) эритмасини сарфи		
	ТМД (1%)	ТМД (1%), МАФ 10 мл/л	ТМД (1%), МАФ 15мл/л
Be	0,000011	0,000010	0,000009
Al	0,003360	0,003055	0,002800
Mn	0,001904	0,001731	0,001587
Ni	14,560000	13,236364	12,133333
Cu	12,320000	11,200000	10,266667
Zn	0,005152	0,004684	0,004293
As	0,011200	0,010182	0,009333
Se	0,302400	0,274909	0,252000
Sr	1,008000	0,916364	0,840000
Mo	0,068320	0,062109	0,056933
Cd	0,000179	0,000163	0,000149
Hg	0,000078	0,000071	0,000065
Pb	0,000034	0,000031	0,000028
Th	0,000022	0,000020	0,000019
U	0,000672	0,000611	0,000560
Cr	0,015680	0,014255	0,013067
Co	7,840000	7,127273	6,533333



3-Расм. ТМД ёрдамида чиқинди сув таркибидаги темир ионлари камайишининг дефекатни фаоллантириш ҳароратига ва нисбатига боғлиқлиги

7-жадвал


Мис сульфат эритмасидаги Cu^{2+} ионини адсорбцияланишининг эритма коцентратцияси ва оғирлик нисбатига боғлиқлиги

№	Конц-я, мг/л	Эритмада қолган миқдори, мг/л	Адсорбцияда ютилган миқдори, мг/л
ТМД ва бентонит оғирлик нисбати = 80:20			
1	0.01	0.000314	0.009686
2	0.02	0.000758	0.019242
3	0.03	0.001314	0.028686
4	0.04	0.002072	0.037928
ТМД ва бентонит оғирлик нисбати = 60:40			
5	0.01	0.000518	0.009482
6	0.02	0.001166	0.018834
7	0.03	0.001938	0.028062
8	0.04	0.002852	0.037148
ТМД ва бентонит оғирлик нисбати = 40:60			
9	0.01	0.000768	0.009232
10	0.02	0.001654	0.018346
11	0.03	0.002658	0.027342
12	0.04	0.003780	0.036220

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, дефекатни фаоллаштириш ҳарорати ҳамда чиқинди сувга нисбатан турли нисбатларида дефекат композициялари билан умумий темир ионларинининг чиқинди сув таркибидан тозаланиши ортиб борганлиги аниқланди (4-расм). Масалан

дефекатни 450⁰ С да фаоллаштириб олинган намунани чиқинди сув билан 100 : 1 оғирлик нисбатида қўшиб тозаланганда темир ионларининг 68,66 % тозаланган бўлса шу ҳароратда 100:3 оғирлик нисбатида 71,54 % темир ионларидан тозаланганини кўрсатди. Чиқинди сув ва фаоллаштирилган дефекатнинг 100:4 оғирлик нисбатида дефекат 400⁰ С да фаоллантирилганда 77,65 %, 500⁰ С да фаоллантирилганда 92,39 %, 600⁰ С да фаоллантирилганда эса 99,05 % темир ионларида тозаланиш имконияти борлиги аниқланди.


Кейинги тадқиқотда, ТМД ва Навбахор бентонит асосида олинган композитлардаги дефекатнинг оғирлик нисбати ортиши билан мис сульфат эритмасидаги мис ионларининг адсорбцияда ютилган миқдори ортиб борганлигини кўрсатди. Юқоридаги натижалар шуни кўрсатадики, олинган намуна эритма таркибидаги Cu^{2+} ионини 96,86 % гача тозаланганини кўриш мумкин. Бу усулдан фойдаланиш, саноат оқава сувлари таркибидаги металлларни тозалаш имконияти мавжудлигини кўрсатади.



4-Расм. ТМД ва бентонит композицияларида Cu^{2+} ионини адсорбцияси


Диссертациянинг «Оқава сувларни тозалаш учун сорбцион материаллар олиш ва қўллаш технологияси» деб номланган тўртинчи бобда термик модификацияланган дефекат олиш (ТМД), ҳамда термик модификацияланган дефекат ва бентонит композициялари ёрдамида саноат оқава сувларини тозалаш технологияси, шунингдек техник иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Дастлабки ҳосил бўлган чиқинди дефекатни модификациялаб фаоллаштириш жараёни ва ҳосил булган ТМД ни бентонит билан аралаштириб композицион реагент-сорбент олиш жараёнининг технологик схемаси қуйидагидан иборат:




5-Расм. Чиқинди дефекатни термик модификациялаб ва бентонит асосидареагент-сорбент олиш технологияси (1-куйдириш печи, 2-аралаштиргич)

ТМД ва бентонит асосида регент-сорбент олиш жараёнида иқтисодий жиҳатдан ҳисоблаш ишлари олиб борилганда дефекатни фаоллаштириш жараёнида ажраладиган куюнди газлар ва сув буғининг ҳисобига термик қиздириш учун олинган дефекатнинг 85 % миқдори ТМДга айланади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра дефекат ва бентонит аралашмаси 80:20 нисбат оптимал натижа эканлиги ўз исботини топди. Шунга кўра 1000 кг РС олиш учун 874,32 кг дефекат ва 200 кг бентонид сарфланиши аниқланди.



6-Расм. Дефекатни термик модификациялаб ва бентонит асосида тайёр реагент-сорбент олишнинг моддий баланси



7-Расм. Чўкинди сувлари тозалаш технологияси

Дастлабки дефекат печда иссиқлик билан ишлов берилади, шундан сўнг у бункерга юборилади. Кейин, чўкинди сув ва ҳисобланган миқдорда моноаммоний фосфатнинг 10% эритмаси бир вақтнинг ўзида реакторга тушади ва 20 дақиқа давомида аралаштирилади. Шундан сўнг, ҳосил бўлган суспензия юпқа қатламли чўктиргичга юборилади, у ерда тозаланган сув чўкиндидан ажратилади.

8-жадвал

ТМД, бентонит ва МАФ асосида 1000 м³ оқова сувини тозалаш тан нархи

Манба материаллари	1000 м ³ чўкинди сувни тозалаш учун истеъмол коэффициенти (тонна)	дастлабки моддаларнинг 1 тонна нархи, сўм	Сумма, сўм
ТМД асосида			
1000 м ³ оқова сувни тозалаш учун жами харажатлар, сўм	-	-	3080000
МД	20,0 (2%)	140000	2800000
1000 м ³ оқова сувни тозалаш қўшимча харажатлари, сўм	-	-	280000
ТМД ва бентонит асосида			
1000 м ³ оқова сувни тозалаш учун жами харажатлар, сўм	-	-	3784000
ТМД	16,0 (1,6%)	140000	2240000
Бентонит	4,0 (0,4%)	300000	1200000

1000 м ³ оқава сувни тозалаш қўшимча харажатлари, сўм	-	-	344000
ТМД ва МАФ асосида			
1000 м ³ оқава сувни тозалаш учун жами харажатлар, сўм	-	-	2242500
ТМД	10,0 (1%)	140000	1400000
МАФ	0,1 (10% эрт. 10 мл/л)	3250000	325000
1000 м ³ оқава сувни тозалаш қўшимча харажатлари, сўм	-	-	517500
ТМД, бентонит ва МАФ асосида			
1000 м ³ оқава сувни тозалаш учун жами харажатлар, сўм	-	-	2684500
ТМД	8,0 (0,8%)	140000	1140000
Бентонит	2,0 (0,2%)	300000	600000
МАФ	0,1(10% эрт. 10 мл/л)	3250000	325000
1000 м ³ оқава сувни тозалаш қўшимча харажатлари, сўм	-	-	619500

ХУЛОСА

1. Саноат чиқиндиси - дефекатдан сорбцион материал олиш имкониятлари, термик модификациялашнинг физик-кимёвий хоссаларига таъсири асосланди.

2. Дифференциал термик таҳлил натижаларига кўра, углероднинг интенсив ёниши 615⁰С ҳароратда бошланиши ва 700⁰С ҳароратда тугаши, дефекатни ёқиш пайтида ҳосил бўлган углерод тузилиши жиҳатидан коксга яқинлигини, унинг ёниб кетишини олдини олиш учун термик пиролизни 580...600⁰ С ҳароратда олиб бориш зарурлиги исботланди.

3. Рентгенограммадан ТМД ва бентонитдан асосидаги композиция таркибида алюминий силикат ва кальций оксид, кальций карбонат, шунингдек органик таркибнинг ёниши натижасида ҳосил бўлган углеродга оид бўлган чўққилар борлиги аниқланган.

4. Паст концентрацияли эритмаларда метил кўкининг ютилиш даражаси 1-5 мг/л концентрацияларда 80-90% ни, 10-20 мг/л концентрацияли эритмаларда эса 70-75 % эканлигини аниқланган.

5. ТМД ва бентонитнинг 80:20 оғирлик нисбатидаги композицияларида 0,01 м/л концентрациядаги эритмани Cu²⁺ ионларини ютилиш миқдори 96,86 % ни, 60:40 оғирлик нисбатидаги композиция 94,82 % ни, 40:60 оғирлик нисбатидаги композиция эса 92,32 % га тенглиги аниқланди.

6. ТМД ёрдамида металлургия саноати оқава сувлари 2-5% кўшиб тозаланганда, оқава сув таркибидаги Mn -99,9%; As -99,1%; Mo-98%; U-100%; Be, Al-97,2% ионларини тозалашни аниқланган.

7. ТМДни 550⁰ С да фаоллаштириб олинган намунани чиқинди сув билан 100:1 оғирлик нисбатида кўшиб тозаланганда темир ионларининг 68,66 % тозаланган бўлса шу ҳароратда 100:3 оғирлик нисбатида 71,54 % темир ионларидан тозалашни исботланган.

8. ТМД да металл ионлари сорбцион, коагуляцион ва реагентли усуллар механизми орқали тозалаши аниқланган.

9. Дефекатни термик модификациялаб (ТМД) реагент-сорбент олиш технологияси ишлаб чиқилган.

10. ТМД ва бентонит композициялари ёрдамида саноат оқава сувлари таркибидан металл ионларини тозалаш технологияси ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

АЗИМОВА ДУРДОНА АБДУЛЛОЕВНА

**ПОЛУЧЕНИЯ И ПРИМЕНЕНИЕ АДСОРБЕНТА НА ОСНОВЕ
ДЕФЕКТА И БЕНТОНИТА ДЛЯ ОЧИСТКИ МЕТАЛЛОВ,
СОДЕРЖАЩИХСЯ В ПРОМЫШЛЕННЫХ СТОЧНЫХ ВОДАХ**

02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.2.PhD/T4578.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.iopx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Салиханова Дилноза Саидакбаровна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Якубов Йўлдош Юсунбаевич
доктор химических наук, профессор

Эшметов Расул Жумязович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита состоится «27» августа 2024 г. в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: iopxanruz@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрирована за № 19) Адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «12» августа 2024 года (реестр протокола рассылки № 19 от «12» августа 2024 года)




Закиров Б.С.
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.


Жумаева Д.Ж.
В.в.о. Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., проф.


И.Д. Эшметов
Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению ученой
степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день с увеличением числа производственных предприятий в мире также возрастает количество экологических проблем. К ним в основном относятся твердые (использованные адсорбенты, катализаторы и др.) и жидкие отходы (сточные воды, различные растворы и др.). Твердые отходы в настоящее время приводят к нарушению экологической системы окружающей среды производственных предприятий и оказывают негативное влияние на здоровье населения. Жидкие отходы также загрязняют водные ресурсы, нарушая экосистему. Для их очистки можно использовать импортируемые адсорбенты, но это влечет за собой новые экономические проблемы. Поэтому важное значение имеет решение экологической и экономической проблемы путем производства адсорбентов и реагентов для утилизации и регенерации этих отходов.

В мире проводятся научные и практические исследования по очистке промышленных сточных вод и их возврату в повторный цикл. В этом направлении уделяется особое внимание обоснованию ряда научных решений, в том числе: изучение состава промышленных сточных вод; исследование состава и физико-химических свойств отхода сахарной промышленности – дефеката; определение оптимальных условий для модификации дефеката и получения сорбционного материала; выявление сорбционных свойств реагент-сорбционного материала, полученного с помощью дефеката, при различных адсорбатах; изучение адсорбционных свойств сорбционного материала, полученного с использованием композиций дефеката и бентонита.

В республике достигнуты значительные научные и практические результаты по получению адсорбентов на основе местного сырья и очистке промышленных сточных вод с их помощью. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана, направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан на 2022-2026 годы определены задачи в направлениях «Обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение промышленности в общей внутренней продукции, увеличение объема производства промышленности продукции в 1,4 раза...»². В этом аспекте производство эффективных сорбент-реагентов на основе местного сырья и отходов имеет большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», «№ УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе ускоренного развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года.

25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день зарубежные ученые, такие как В.С. Петров, Ю.В. Поконова, Н.Ф. Федоров, Н.И. Богданович, Ю.Я. Филоненко, В.И. Павленко, Ж.А. Свергузова, Н.С. Лупандина, Х. Марш, Х.А. Жонгхуа, К.О. Моханти, К. Окада и другие, ведут исследования по получению и применению реагентов и адсорбентов на основе чистого сырья и отходов для очистки промышленных сточных вод.

В Узбекистане учеными С.А. Ахмедовым, Э.А. Ариповым, Ф.Л. Глекелем, С.С. Хамраевым, С.Н. Аминовым, А.А. Агзамходжаевым, У.А. Ахмедовым, Г.У. Рахматкариевым, С.З. Муминовым, Б.Н. Хамидовым, В.П. Гуро, Г.Р. Нарметовой, С.А. Абдурахимовым, И.К. Сатаевым, О.К. Бисенбаевым, И.Д. Эшметовым, Д.С. Салихановой, Д.Ж. Жумаевой и другими рассматриваются проблемы регенерации и утилизации промышленных отходов, проводятся научные исследования по получению адсорбентов на основе местного сырья для их очистки.

В настоящее время начаты работы по получению нового реагента-сорбента путем утилизации отхода сахарной промышленности – дефеката, и по очистке кислых промышленных сточных вод. Однако научные исследования по очистке промышленных сточных вод, содержащих ионы металлов, и изучению механизмов этих процессов пока не проводились.

Связь исследования с научно-исследовательскими планами научно-исследовательского учреждения, в котором была выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ Института общей и неорганической химии по теме практического проекта П-402104235 «Получение углеродных адсорбентов на основе местных углей для адсорбционной очистки глицерина и соевых масел» (2021-2023 гг.)

Целью исследования является получение сорбента-реагента на основе дефеката и бентонита и его применение для очистки сточных вод металлургической промышленности от ионов металлов.

Задачи исследования:

изучение состава и физико-химических свойств отхода сахарной промышленности – дефеката;

определение оптимальных условий получения сорбционного материала на основе термомодифицированного дефеката;

